

### **3-МАВЗУ. ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИРИШНИ ИНТЕПСИВЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШ.**

- 1.Ердан фойдаланишни баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.
- 2.Ер учаскалари таркиби ва экин майдонлари структурасини баҳолаш.
- 3.Қишлоқ хўжалигида ер солиғи ва ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** Маъруза, «ақлий хужум», намойиш этиш.

#### **1.Ердан фойдаланишни баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.**

Қишлоқ хўжалигида ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. У, бир томондан инсон унинг ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинларини экиб, меҳнат воситаси вазифасини бажарса, иккинчи томондан меҳнат предмети вазифасини бажаради ва инсон унга таъсир кўрсатиб зсимлик ва чорва маҳсулотларини олади. Хўжалик томониан эгалланган ер қисмларга бўлиниб, улар муайян ишлаб чиқариш йўналишига эгадир (қайта ишловдаги шудгор, партов ерлар, бўз ерлар, кўриқ ерлар, пичанзорлар, ўтлоқлар, яйловлар ва кўп йиллик кўчатлар), ишлаб чиқариш учун фойдаланилмайдиган қисмлар: ўрмон, бутазорлар, ўрмон мелиорацияси кўчатлари, қўллар, хавзалар, ва бошқа ер-сув мулклари (йўллар, ариқлар, ботқоқлар, кўрғон ерлари ва ҳ.). Қишлоқ хўжалиги корхонаси ер фондинингбу иккита қисмга бўлиниши, уларнинг ичида эса алоҳида қисмларга бўлиниши ўзгаришсиз бўлмайди. Хўжалик ривожланиши жараёнида битта ер-сув мулки бошқаларига, одатда, экстенсив ва интенсивларига ўтади. Масалан, кам ҳосилли яйловлар шудгорга, кўриқ ва бўз ерлар бузилади ва ҳ..

Ерлардан фойдаланиш даражаси ҳақида муҳокама қилиш учун, аввало ер фондининг тузилишини таҳлил қилиб чиқиш лозим. Ерлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш учун ишлаб чиқариш йўналишидаги барча ерлар майдонининг хўжалик эгаллаб турган ерларнинг умумий натижасига нисбатини, ҳайдалган ерларнинг қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ерлардаги улушини ва шудгорнинг – ҳайдалган ерлардаги улушини белгилаш лозим. Кейин ҳисобот йилида ҳисобланган кўрсаткичларни ўтган йилнинг худди шундайлари билан, шунингдек бир хил табиий-иқтисодий шароитларга эга бўлган илғор хўжаликларнинг тегишли кўрсаткичлари билан солиштириш зарур. Ерлар тузилиши билан бир қаторда ер-сув мулкларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш лозим. Ер-сув мулкларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи бу майдон бирлигидан чиққан маҳсулот миқдоридир. Қишлоқ хўжалиги ер-сув мулкларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда чиқаётган маҳсулот миқдорининг ўзгаришини ва хўжалик фойдаланаётган ерларнинг 100 гектарига тўғри келадиган чорванинг мавжудлигини аниқлаш лозим. Кейин, аниқланган фарқлар кўрсаткичларига таянган ҳолда у ёки бу ўзгаришларнинг сабаблари ўрганилади.

Маҳсулотнинг муайян турлари ишлаб чиқарилишининг кўрсаткичларини ҳисоблашда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ерларнинг бутун майдони эмас, балки хўжаликнинг кўрсатилган тармоқлар билан ўзаро боғланган қисмлари ҳисобга олинади. Масалан, ўсимликшунослик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(табiiй ерларнинг ем-хашакларидан ва кўп йиллик кўчатларнинг ҳосилидан ташқари) шудгордан фойдаланиш билан боғлиқ. Шунинг учун ўсимликшунослик тармоқларининг ривожланиш кўрсаткичларини аниқловчи сифатида шудгорнинг 100 гектарига чиққан маҳсулот миқдори олинади. Чорвачиликнинг сут ва жун каби маҳсулотларининг ишлаб чиқарилган миқдори ерларнинг 100 гектарига ҳисобланади, гўштники эса – алоҳида 100 гектар шудгор ва 100 гектар бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ерларга ҳисобланади. Тухум каби паррандачилик маҳсулоти дуккакли ғалла экинларининг 100 гектарига ҳисобланади.

Ердан фойдаланишда ишлаб чиқариш ва меҳнат воситаларини оқилона қўллаш нуқтаи назаридан алмашлаб экишни текширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Давлат ердан фойдаланувчиларга ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарига қонунда белгиланган тартибда ер участкаси ажратиб беради.

Ер участкаси - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режими ҳамда давлат ер кадастри ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларига, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа жаҳатларга эга бўлган муайян қисмидир.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси маълум ер майдонига эга бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Корхонанинг умумий ер майдони табiiй шароитлари ҳамда хўжаликда фойдаланиш хусусиятига кўра бир хил эмас. Ҳамма ерлардан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фойдаланилмайди. Шунинг учун ер майдонларидан қишлоқ хўжалигига яроқлилари ажратилади.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар деганда, доимий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланиладиган ерлар тушунилади. Уларга ҳайдаладиган ерлар, экинзорлар, боғлар ва узумзорлар, пичанзорлар ва яйловлар киради. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдони ва унинг таркиби бир хил бўлмасдан ўзгариб туради.

#### 1-жадвал

#### Умумий ер майдони ва қишлоқ хўжалиги ерларининг ердан фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши, (2016 йил 1 январ ҳолатига, минг гектарда)

Ер турлари	Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жами ерлари	Шу жумладан			
		Фермер хўжаликларининг ерлари	жамига нисбатан, % да	Дехқон хўжаликларининг ерлари	жамига нисбатан, % да
Умумий ер майдони	22 259,2	5899,2	26,5	621,7	2,8
Қишлоқ хўжалигининг барча ерлари	17 234,3	5265,9	30,5	506,0	2,9
Ҳайдаладиган ерлар	4050,6	3557,2	87,8	460,5	11,4
Боғлар ва узумзорлар	328,3	256,4	78,1	92,2	28,1
Пичанзорлар ва яйловлар	12 774,7	1410,2	11,0	-	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тўзилди.

Фермер хўжаликлари тасарруфида 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига жами 5899,2 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 5265,9 минг гектарини

қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, шу жумладан, 3557,2 минг гектарини ҳайдаладиган ерлар, 256,4 минг гектарини боғлар ва узумзорлар, 1410,2 минг гектарини пичанзорлар ва яйловлар ташкил этган.

Бу санада қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжаликлари умумий ер майдонининг 26,5 % и, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 30,5 % и, ҳайдаладиган ерларнинг 87,8 % и, боғлар ва узумзорларнинг 78,1 % и, яйловлар ва пичанзорларнинг 11,0 % и фермер хўжаликлари тасарруфида бўлган.

Деҳқон хўжаликлари тасарруфида 2016 йилнинг 1 январидан ҳолатига жами 621,7 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 506,0 минг гектарини қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, шу жумладан, 460,5 минг гектарини ҳайдаладиган ерлар, 92,2 минг гектарини боғлар ва узумзорлар ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 598-І-сонли қонуни билан тасдиқланган “Ер Кодекси”нинг 1-бандига мувофиқ: “Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади”.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш қуйидаги асосий принципларга асосланади:

- энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тарикасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

- ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

- ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

- ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллариининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

- ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳады, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати туганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда, ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига унинг меросхўри эга бўлади. Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

## 2. Ер учаскалари таркиби ва экин майдонлари структурасини баҳолаш.

Фермер хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланиш энг аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва тупроқ унумдорлигини яхшилаш масалаларига бориб тақалади. Агротехник тадбирларнинг муддати вақтида бажарилмай, кечиктириб юборилиши ерларнинг умумий шўрланиш даражасининг ошиб боришига ва ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Алмашлаб экиш тизимининг бузилиши, минерал ўғитларни қўллашнинг мақбул нисбатларига амал қилмаслик тупроқдан ҳар йили кўп миқдордаги фойдали элементларнинг чиқиб кетишига, тупроқ сифат кўрсаткичларининг пасайиши ва оқибатда, бир гектар ҳисобига олинаётган маҳсулот бирлигининг кам бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

### 2-жадвал

#### Фермер ва деҳқон хўжаликларининг жами экин майдонларидаги салмоғини баҳолаш (барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2002	2010	2015	2016
<b>Фермер хўжаликлари салмоғи</b>				
Жами экин майдони, ш.ж.	28,0	74,5	84,17	84,4
Пахта	32,6	87,6	98,5	98,4
Дон экинлари	27,0	73,0	82,8	83,4
Картошка	4,3	9,9	14,2	16,3
Сабзавотлар	8,2	29,1	33,5	34,8
Полиз экинлари	23,6	51,9	54,8	53,8
Ем-хашак экинлари	25,1	60,5	68,0	69,7

Манба: Сельское хозяйство Узбекистана (за 2002-2016 г.г.), статсборники, Госкомстат Республики Узбекистан

2016 йил якунига келиб қишлоқ хўжалигидаги жами экин майдонларининг 84,4 фоизи, пахта майдонининг 98,4 фоизи, дон экинлари майдонининг 83,4 фоизи, полиз экинларининг 53,8 фоизи ва ем-хашак экинларининг 69,7 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, шу йиллар оралиғида деҳқон хўжаликларининг жами экин майдонларидаги салмоғи 13,0 фоизни, дон экинлари майдонида 14,2 фоизни, картошка майдонида 82,8 фоизни, сабзавотларда 64,7 фоизни, полиз экинларида 44,5 фоизни ва ем-хашак экинларида 22,7 фоизни ташкил этди (3-жадвал).

Тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўрмай туриб, технологик ишлов бермасдан ва барча агротехник тадбирларни амалга оширмасдан қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ва яхши натижага эришиш мумкин эмас.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш, энг аввало, ундан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш ва шу билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишга қаратилиши керак. Бунинг учун:

- кам унумли ерларни ўзлаштириб, юқори унумли ерларга айлантириш билан бир қаторда, мавжуд фойдаланилаётган ерларда мелиорация ишларини ўтказиш;
- ерларни капитал тиклаш, шамол ва сув эрозиясига қарши тадбирлар ўтказиш;
- маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўғри нисбатларда фойдаланиш;
- алмашлаб экишни оқилона жорий қилиш тадбирларини белгилаш ва қатъий равишда алмашлаб экиш технологиясига амал қилиш;
- мунтазам равишда ерларнинг шўрини ювиб туриш, ўз вақтида ерларни экишга тайёрлаш, тупроққа ишлов бериш ва культивациялаш;
- барча ҳайдаладиган майдонлари тупроқ таркиби ва сифатини махсус лаборатория шароитида қайта ўрганиб чиқиш ва баҳолаш;
- барча агротехник ва агрохимё чора-тадбирларини илм-фан тавсияларига ва илғорлар тажрибаларини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш ва бошқалар.

### **3. Қишлоқ хўжалигида ер солиғи ва ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 08.02.2005 й. 1324-1-сон билан рўйхатга олинган “Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом”га кўра ягона ер солиғининг солиқ солиш объекти бўлиб қишлоқ хўжалиги майдонлари ва жамоат қурилмалари ва ҳовлилари билан банд бўлган ерларнинг норматив қиймати ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси томонидан аниқланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисига ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш учун етказилади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига солиқ суммаси, уларнинг меъёрий қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_1 = (N_1 \times C/100);$$

бунда:

$H_1$ - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига солиқ суммаси;

$N_1$  - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қиймати;

$C$  - солиқ ставкаси, фоизларда.

Ерларнинг меъёрий қийматидан келиб чиқиб тўлаши лозим бўлган ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби 3-жадвалда келтирилган шакл бўйича амалга оширилади.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан тузилган деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи тўлайди.

## 3-жадвал

**Ерларнинг меъёрий қийматидан келиб чиқиб тўланиши лозим бўлган ягона  
ер солиғининг ҳисоб-китоби жадвали шакли**

Ерларнинг турлари	Майдони, га	Ерларнинг меъёрий қиймати, минг сўм		Солиқ ставкаси, %	Солиқ суммаси, сўм
		1 га	жами майдон		
1. Жами ерлар					
Шу жумладан:				x	x
1.1. Ҳайдаладиган ерлар: - суғориладиган				x	x
- лалми				x	x
1.2. Кўп йиллик дарахтзорлар				x	x
1.3. Бўз ерлар: - суғориладиган				x	x
- лалми				x	x
1.4. Пичанзор ва яйловлар: - суғориладиган					x
-суғорилмайдиган				x	x
1.5. Жамоат иморатлари					
2. Солиқ солинадиган ерларнинг майдони					
Шу жумладан тўлов муддатлари бўйича:	x	X	x	x	
1 июлгача (20%)	x	X	x	x	
1 сентябргача (30%)	x	X	x	x	
1 декабргача (солиқнинг қолган қисми)	x	X	x	x	

Дехқон хўжалигидан ер солиғи томорқа ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган миқдорда ундирилади. Солиқ солиш тартиби ҳамда деҳқон хўжалиги тўлайдиган ер солиғининг ставкалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

- тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75;
- тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0;
- тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.-208 б.
2. Абдувасиқов А.А., Тўхтаева С.Ғ. Агросаноат мажмуаси корхоналарида инвестициялаш ва лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: 2009.-187 б.
3. Ишмухамедов А.Э, Қосимов. М.С, Жумаев. З.А, Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти.-Т.: ТДИУ. 2004. -159 с.